



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1999 йил 1 декабрь, чоршанба

№ 94 (11.177)

Эркин нарҳда сотилади

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZODLARINING TARJIMAI HOPI

КАРИМОВ Ислон Абдуғаниевич

Ислон Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган...

— демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг кафолатидир...

ЖАЛОЛОВ Абдулҳафиз Мараҳимович

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов 1947 йилнинг 1 июнида Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган...

— докторлик илмий даражаси учун диссертациялар химоясига ихтисослашган кенгаш раиси. 1986 йилдан Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий аппаратида ишга ўтган...

ПРЕЗИДЕНТ УКРАИНАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Украина Президенти Леонид Кучманнинг ўз вазифасини ижро этишга расман киришиш маросими — инаугурациясида иштирок этиш учун 30 ноябр кунини Киевга жўнаб кетди.

ЗАНГИОТАЛИКЛАРНИНГ МЕХНАТ ЮТУҒИ

ЗАНГИОТА тумани сабзавоткорлари шу кунгача 23 минг 400 тоннадан зиёд маҳсулот реализация қилиб, йиллик режани мuddатидан илгари ортиги билан бажардилар. Ҳар гектар ердан ўртача 250 центнердан сабзавот ҳосили йиғиштириб олинди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SAYLOVIDA OVOZ BERICSH TARTIBI

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида овоз бериш 1999 йил 5 декабрь кунини эрталаб соат 6.00дан бошланади, кеч соат 20.00гача давом этади.

Table with columns: District name, Candidate name, Party, and other details for the 5th December 1999 election.

# БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

## Демократик тамойиллар жамиятига бдоран сари чуқурроқ киряпти. Бу ҳол, айниқса, Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар жараёнида аққол сезилмоқда.

Бундан ўн беш-йигирма йил аввал, коммунистик партия ягона ҳоким бўлган пайтда сайловлиди ҳаракат дастурини эълон қилиш расм бўлмаганди. Фақат «Коммунистлар ва партиячилар блоку учун овоз берайлик!», «Депутат — халқ хизматқори», деган шiorлар кўчаларни тўлдириш юборарди.

Бугун замон бошқа. Сайловчилар кечаги сайловчилар эмас. Халқ тили билан айтганимизда, «Ҳеч ким сувни кўрмасдан этик емайди».

Шундай экан, янгича сайловларнинг мохиятини аниқ-равшан идрок этишдан Президентимиз И. Каримовнинг Республика Олий Мажлисининг 1999 йил 1 чакирик XV сессиясида қилган маърузасидаги ушбу сўзлари ниҳоятда муҳимдир: «Бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократик бобидан ортингар тажрибаларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб борётгани, аҳолимизнинг сиёсий савияси нечоғли оқсалангани бутун дунёга яна бир кўрсаткичлар имконияти ва синов бўлади».

Сайловчилар мамлакатимиздаги беш сиёсий партия, мустақил номзодларни қўллаб-қувватловчи ташаббускор гуруҳ, ҳокимлик вакиллик органлари тизимининг сайловлиди ҳаракат дастурлари билан ўз вақтида таъинланади. Ушбу партияларнинг вилоят кенгашларининг ҳам дастурлари «Тошкент ҳақиқати» газетасида ўз аксини топибди. Бунда барча партияларга бир хил имконият яратиб берилди.

Журналистик кузатувларимизга асосланиб айтидиган бўлсак, дастурларнинг бир-биридан фарқи, фақат у ёки бу партияга хос бўлган хусусиятлар аққол намоён бўлиб турган жойини ҳам, бир-бирига ўхшаш жойини ҳам кўриб, «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳаракат дастурида, ўз-ўзидан маълумки, «Куч — адолатда» шiori устувор бўлиб турпти. Дастурнинг биринчи жумаларини ўқишнингиз билан жамиятимизда ижтимоий адолатни ўрнатишда партия

ман, яширинган иқтисодий фаолиятнинг юзга келмаслиги учун соддалаштирилган солиқ сиёсатини олиб бериш тарафдори», «Фидокорлар» партияси ҳалол меҳнат билан соликларни ўз вақтида тўлаб, бойиётган инсонларни ҳамма кўллаб-қувватлайди», каби сартрлар борки, улар бошқа партияларнинг дастурларида ҳам бошқача тарзда рақам этилган. Бунинг табиий деб қабул қилишимиз керак. Чунки ҳокимлик вакиллик органларидан партиялардан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан

устуворлиги учун курашади. Аждодларимизнинг қахрамони ўтмишнинг авлодларимизга намуна қилиб кўрсатишда шу пайтгача талай ишлар амалга оширилди. Зиёлилар партияси деб ҳам номланган Миллий тикланиш партияси бу борада хайрли таъбирларнинг амалга оширишда бош-қош бўлмоқда. Унинг сайловлиди ҳаракат дастури ўзига хос дейиш мумкин.

«Ватан тараққиёти» партиясининг дастурида ҳам юқорида таъбирлар тилга олинган. Ҳокимлик вакиллари орган-

лари томонидан тавсия этилган номзодларнинг сайловлиди ҳаракат дастурлари ўзининг лўндалиги билан сайловчилар эътиборини тортиши мумкин. Уларда аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга, келгуси беш йиллик мобайнида юзлаб кишлоқ врачлик пунктлари, миғнаб ўқувчи муҳаллажар мактаблар, йи-қойлар, савдо шаҳобчалари, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари қурилиши ва ишга туширилиши кўзга тўтидиган. Хусусан, ушбу дастурларда маърифий мас-

лаларга катта эътибор берилган. Кейинги беш йил мобайнида юздан ошқ касб-хунар коллежлари, академик лицейлар қуриб ишга тушириш аниқ ва равшан белгиланган. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган катламларини, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, кишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва биродарликни янада мустаҳкамлашга катта эътибор берилган сайловчиларга айна шундай иш фаолияти манзур бўлади. Буни ҳамма ёлда тутти зарур.

Мустақил номзодларни қўллаб-қувватловчи тадбиркор гуруҳларнинг вазифаси эса тақсимоти бўлса ҳам, «Шифохона таъминлов бериш», «Оиламизга ёрдам кўрсатиш» каби боблардаги сўровларни деярли айтмапти. У ўзининг кучли ижтимоий ҳимояси конун билан кафолатланганини истаяпти, шу иш депутатнинг қўлидан келадими йўқми — билишни истаяпти. Номзодларнинг қўчлиги учрашувларда аниқ жавоб беролмай ҳижолатда қолиши.


Учрашувлар чоғида шу нарсга аён бўлдики, номзодларнинг қўчлиги ўзига, ўз кучига ишонмайди. Айрим ҳолларда ўз номзодини қайтариб олиш хоҳлари ҳам рўй берди. Айниқса, номзоднинг ҳаракат дастуридан фарқлиби қолди. Номзод оқибатда ваъдалар беришга, ёлгонлашга мажбур ҳам бўлди. Депутат, у қайси партиядан кўрсатилган бўлмасин, халқ хизматқори эмас, халқ манфаатларининг ҳимоясидир. Шундай экан, ҳимоячининг ишончли калқони, ҳимоя қилиш қурол, воситаси бўлиши зарур.

Харакат дастурлари нега бир-биридан деярли фарқ қилмайди? Нега улар ўткирлик, пухталиги, ҳаётга таъдиб этилиши аниқлиги билан сайловчиларни ўзига тортмади? Ёки партиялар рақобатчилиридан чўчиб, ўз қуч-қудратини пин-

Темур УБАЙДУЛЛО.

## МАҚСАД — ЯГОНА ВА МУШТАРАК

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказуви 165-«Зангиота» округ сайлов комиссияси ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказуви туман сайлов комиссияси аъзолари сайловлиди тарғибот-ташвиқот ишларини, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини қонунларда белгиланган тартибда маъмурий ва қийқириқли ўттишини таъминладилар. Айни қунларда барча сайлов участкаларида мамлакатимиз фукороларининг келажакдаги ҳаётларида муҳим аҳамият касб этадиган сайловларнинг қўтаринки рўқда ўтиши учун ҳамма зарур шарт-шароитлар яратилган.**



Суратларда (юқорида) 165-«Зангиота» округ сайлов комиссияси раиси Хусниддин Эшоннов комиссия аъзолари билан навбатдаги ишлар ҳақида маслаҳатлашмоқда; (пастда) туман сайлов комиссияси раиси Пулат Турғунбоев аъзолар билан суҳбатда. Даврон АҲМАД олган суратлар.

### ШУ ҚУНЛАРДА Чирчиқдаги маданият саройлари ва уйлари, жойлардаги катта-кичик заллар гажумлашиб кетган. Уларда ҳар кун бўлмаса, ҳам кунора сайловчилар тўпланимоқдалар.

Республика Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашларига депутатликка кўрсатилган номзодлар билан учрашмоқдалар, уларнинг сайловлиди дастурлари билан танишмоқдалар. Қимга овоз бериш масаласида бир тўхтама қелмоқдалар. Албатта, бу осон бўлмапти, номзодлар орасидан муносибни танилаш қийин кечмоқда.

Бу давр тақозосидир, демократия туфайлидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришти, жаҳон ҳамжамиятига ўз овози билан кириб бораётган эркин ва обод давлатга айланди. У бизники бўлиб қолди. Бун-

### ҲАР КИМ ЎЗ НОМЗОДИНИ ТАНЛАДИ

да. Кун кеча шаҳардаги Кимёгарлар маданият саройида шундай тадбирларнинг бири ўтказилди. Унда 157-«Кимёгар» сайлов округидан мамлакатимизнинг энг юқори конун чиқарувчи органи депутатликга номзодларни кўрсатишган Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Турғун Эргашев, Ўзбекистон «Кимёлоғи» илмий-таъдиқот институтини Чирчиқ бўлими бош директори Хамидулла Назаров, «Ўзметасабзавотузумасаноат» компанияси бошқаруви раиси бошлиғи Ҳабибулла Ниязатов, «Чирчиққурилиш» акциядорлик жамияти 307-механизациялаш кулма жамлама бригада бошлиғи Владимир Саттин, Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими услубчи назоратчиси Мастура Шоқбаровалар қатнашди. Уларнинг ишончли вакиллари номзоднинг таржимаи ҳоллари, босиб ўтган меҳнат йўллари ҳақида маълумот берди. Сунгра депутатликка номзодлар округ сайлов комиссияси томонидан бир хил қилиб белгиланган вақт давомида ўзларининг фаолият дастурларининг мазмуни ва мохиятини лўнда қилиб таърифладилар, йиғилганларнинг саволлари батафсил жавоб берди.

Учрашувда сўзга чиққан сайловчилар вакиллари дастури ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдиришди, уларнинг аниқ билишга қаратилган тақрирларни киритди. Сайлов қуни ҳамманга ўзлари муносиб деб топган номзодга овоз беришда муқаддас бурчларини аққил билан адо этишга даъват этидилар.

Салимахов ЯМИЛОВА.

### ХОҲЛАГАН ПАЙТДА ЭМАС

Батзи жойларда участка сайлов комиссияси ўзи хоҳлаган пайтда овоз бериш аққунлангани маълум қилиш кўчига ағалиги ростми?

Даврон ЖАББОРОВ. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтқизида»ги Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ сайлов қуни овоз бериш арталоб соат бдан кен 20гача ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг хоржий давлатларидаги ваколатхоналарида, харбий қисмларда, санаторияларда, дам олиш уйларида, касалхоналарида ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, харбий қисмларда, санаторияларда, дам олиш уйларида, касалхоналарида турган жойларда ташкил қилинган сайлов участкаларида рўқат киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугатганини эълон қилиши мумкин.

### БОР, ЛЕКИН, ҲАММА

Бузилган бюллетенлар ўрнига янги сони олиш имкони бўлса, сайлов участкаларида орткича бюллетенлар бўларкан-да...

Насриддин ҒУЛОМОВ. Ҳар бири участка сайлов комиссияси бюллетенлар захирасига эга бўлиши керак, ана шу захиралардаги бюллетенлар сайловчиларнинг илтимосига қўра, бўзилган бюллетенлар ўрнига берилади. Лекин участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўқатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фойзидан кўп бўлиши мумкин эмас.

### Сўраган эдингиз ТЕКШИРИЛАДИ, МУҲРАНАДИ

Овоз беришдан олдин сайлов қўтилари бирор кимса томонидан текшириладими? Бахтийр ИБРОҲИМОВ.

Сайлов қуни, яъни 5 декабрда овоз бериш биниси участка сайлов комиссияси аъзоларининг қамиди учдан икки қисми иштирокида очилади. Овоз бериш бошланганидан олдин сайлов қўтилари комиссиянинг барча аъзолари иштирокида участка сайлов комиссиясининг раиси томонидан текширилиб, муҳрланади. Сайлов қўтиларини муҳрлаш учун участка сайлов комиссиясининг металл муҳридан фойдаланиши даркор. Қўтиларни муҳрлашда депутатликка номзодларнинг қўрсатган сўсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатуви, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатларда, халқор ташкилотлар ва харакатлардан кузатувчилар, иштирок этишлари мумкин. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан таъдиқлиниш керак. Участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ўртасига сайлов бюллетенларини, сайловчилар рўқатларини тақсимлайди ва сайлов бошланганини эълон қилади. Бюллетенларнинг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштириб қўйилади.

### МАМЛАКАТИМИЗДА БОЗОР ИҚТИСОДИЙТИГА ЎТИШ ЖАРАЁНИ ТОБОРА ТЕЗАЛАШМОҚДА. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ҚУН САЙИН ЧУҚУРЛАШМОҚДА. У Барча соҳаларга кириб бормоқда. Шундай шароитларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу меҳнатқашларнинг оммавий ва энг яқин жамоат ташкилотлари ҳамма қанча қўшшади лозим.

Шунинг учун ҳам Тошкент вилояти касабамуошмаларнинг иқтисодий муҳофаза қилиш қўмитасида унинг шў йўналишидаги фаолиятини таҳлил қилишга эътибор берилди. Вилоят касабамуошмалар кенгашининг раиси М. Тулагановнинг «Тошкент вилояти касабамуошмалари кенгашининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти ҳақида ҳисобот ва вилоят касабамуошмаларининг ҳозирги босқичдаги вазифалари» маърузасида ҳисобот маърузасида ҳамма унинг муҳофаза қилишда қатнашган конференция делегатларининг нукталарида маъсалага кўпроқ тўхталинди.

Вилоят касабамуошмалари кенгашининг биринчи

### ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вилоят касабамуошмаларнинг иқтисодий муҳофаза қилиш қўмитасидан

по этилди. Меҳнат бозорида рақобатлашолмайдиган фукоролар даромадини қўлайитириш мақсадига вилоят қорхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида ногиронлар, болали аёллар ва шу тоифага кирувчи бошқа фукоролар учун 8454та иш ўрнилари захиравлаб қўйилди. Аҳолига ижтимоий ёрдам тарқатишда бандлик жағмарасидан ишсизлик нафақасига 12,1 миллион сўм, ўқий ва қайта ўқий 5,4 миллион сўм, нафақавулриққа 4,3 миллион сўм маблағ сарфланди.

Анжуманда қорхоналар, хўжалиқлар ва ташкилотларда меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим омилларидан бири жамоа шартнома ва битимлар эканлиги алоҳида таъдиқлиди. Хоржий кунда тузилган шартномалар сони 2377тага этиди. Қорхоналар, ташкилотлар ва хўжалиқларнинг 72,4 фойзида унга амал қилинмоқда.

Сўнгги йилларда жамоа шартномалари аниқ мақсадларга қаратилмоқда. Чўнончи, уларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат шариоити бўйича кафолат-

### ҚИШЛОҚҚА ЗАРУР ОДАМ

Эллик икки баҳорини қаршилаган, оддий хизматчи оиласида таваллуд топган Маҳаммадхон Усмонов бир неча йилдирки, ҳалол меҳнати билан эл қорига ярапти. У ўз меҳнат фаолиятини Тошкент тепловоз таъмирлаш заводида оддий участкаликдан бошлади. Шу эрда ўсиб унди, муҳандис-технологик қилди. Технологик бюро бошлиғи даражасига этиди. У жамоа оғзидан тушмай қолди. Ҳурмат-эътибори ортди.

Аммо ўз касбига бўлган муҳаббатини тинчлик бермасди. Ўн биринчи синфни тугаллагач, шу йилгек Тошкент Политехника институтининг механика факультетида ўқий бошлади. Институтни битиргач, вазирилик бозор иқтисоди шариоитини йўлланмаси билан заводга ишга қабул қилинган эди.

Қишлоқда туғилиб ўсган эмасми, 1977 йилда Тошкент туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалигига бош муҳандис бўлиб ишга ўтди. Ўз ишини пухта бажарганиги, одамлар билан ишлай олганиги туфайли оғру эътибори ортди. Натигада 1986 йилда хўжалиқнинг раҳбари этиб тайинланди. Қўриғачча шу лавозимда муваффақият билан ишлаб

Вилоят касабамуошмалари кенгашининг пленумида Муҳай Мирзаалиева Тулаганов Тошкент вилояти касабамуошмалари кенгашининг раиси, Рустан Меликузинов Турдиалев раис ўринбосари этиб сайландилар.

Мирсобир МИРСОБИДОВ.

Соҳибжон САЛИМОВ.

# Э П Л А Т А Н МИЛЛИОНЕР БЎЛАДИ

**ДУНЁДА паловни ёмон кўрадиган ўзбек бўлмаста керак. Хонадонларимизда ҳафтасига камида бир марта палов дамланади. Тўй-маъракаларимиз, гап-гаштакларимиз, ҳатто, зиёфатларимиз ҳам шу миллий таомимизсиз ўтмайди. Дастурхонга палов тортилмаса зиёфат қиёмига етмайди. Ўзбекларнинг нондан кейин энг кўп истеъмол қилинадиган таоми — палов.**

Бозордан, дўкондан рўзғорбоп ёки чойхонабоп ёхуд тўй-маъракабоп гуруч танлаш одатимиз ҳам бор. Гуруч танлашни билмайдиганлар эса бу борада қоробда одамларни эргаштириб бозорга ёки дўконга борадилар.

Ҳўш, гуруч бозор ёки дўкон пештахтасида

пайдо бўлгунча қандай йўллари босиб ўтади? Уни етиштирадиган деҳқонларнинг меҳнати оғирми ёки енгилми?

Дарвоқе, гуруч етиштирадиган деҳқонлар гуручкор эмас, шиликор дейилади. Бунинг сабаби бор. Чунки посясидан бошоғи, бошогидан доғи ажратилиб, тегирмонга ё обжувозга келтирилиб, қобигидан тозалангунча «шоли» бўлади. Тегирмончининг қўли тегиб, меҳнати сингиб, «оқланиб» чиққан маҳсулот гуручга айланади. Биз бугун тегирмончига қуллук қилиб, шиликор ҳақида унинг машаққатли меҳнати хусусида сўз юритамиз.

## МЕҲНАТ ҚИЛГАН ХОР БЎЛМАЙДИ

ТАН олишимиз кераки, биз шиликор меҳнатини яхши билмаймиз. Ўзбекистоннинг ҳар бир хонадонидеда гуруч истеъмол қилинса-да, аммо ҳамма жойда ҳам шоли етиштирилавермайди. Бунинг учун махсус шарт-шароитлар бўлиши керак. Биринчи гада сув сероб, йўллари эса равон бўлиши лозим. Бу эса, аввало, деҳқоннинг ўқувига, меҳнатга муносабатига боғлиқ. Демак, энг муҳими сабр-тоқатли, оғир меҳнатга бардош берадиган деҳқонлар бўлиши зарур. Чунки шиличилик соҳасида кўп нарса меҳнатга боғлиқ. Ер-ни ва айниқса экинни алдаб бўлмайди. Шундай қилишга уринган деҳқон ўзини ўзи алдайди.

Ўзбекистонда ҳам, Тошкент вилоятида ҳам ҳамма жойда шоли экилавермайди. Бунга ҳолат ҳам йўқ. Чунки ёппасига

га эришиляпти, деб бўлмайди. Қўлимиздаги маълумотлар ҳам шундан далolat бериб турипти. Биз ҳозир қолақ хўжаликларни куруқ маълумотга сунган ҳолда танқид қилиш ниятида эмасмиз. Танқид қилишдан аввал объектив сабабларни ҳам ҳолисона ўрғаниш керак. Шу билан бирга юқори кўрсаткичларга эришаётган хўжаликнинг тажрибасини бошқаларга кўз-кўз қилиш учун ҳам объектив шароит синчиқлаб ўрганилиши лозим.

Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси ҳудудида 7та қишлоқ бор. Бунда 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Икки минг уч юз гектар ерга шоли экилади. Шиличиликнинг оғир жараёнлари техника зиммасига юклатилган. Масалан, 15-20 йил муқаддам ўрим мавсуми бошланган пайтда 4,5 минг ўроқчи хашарга жалб этилиб, йил давомида меҳнат қилган

**Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси шиликорлари бу йил ҳосилдорликни рекорд даража — 56 центнерга етказдилар. Олинадиган соф фойда эса 200 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда**



нисбатан нимжон, бошоғи ҳам шундай? Ахир, сув бир хил тараб қуйилган, дори ҳам баравар сепилган-ку... Сабаби шуки, шоли ҳам тирик жон. У ҳам одамга ўхшаб нафас олади, исикдан лоҳас бўлади. Уват ёқасидаги шоли посяси шабадага курагини тутиб ўгани учун бақувват бўлади. Агар уватдаги утлар говлатиб юборилса, полнинг ичида шабада юрмайди. Шамол бемалол юриб туриши учун уватлар утлардан тоза туриши керак. Шоли фақат сув билан эмас, ҳаво билан ҳам тирикдир.

Бу кишининг гувоҳлик беришича, ҳосилдорликни етмиш центнерга етказиш мумкин экан-у, аммо ерлари қулқоннинг бошида жойлашгани учун рекорд натижага эриша олмабди. Сабаби — қулқон бошидаги шилизорда Чирчиқдан келатган совуқ сув қиради ва охиридан бирмунча илиб чиқиб кетади. Совуқ сув

## ДЕҲҚОН ҲОСИЛИ, РАҲБАР ДЕҲҚОННИ ЎЙЛАЙДИ



фарзини инсон ўзи учун адо этади. Лекин рўза Оллоҳ учун тутилади — рўзанинг савоби улуг ҳисобланади. Савобли дамларда тузилган режалар, ҳолис ниятлар, албатта, ижобат бўлади. Бундан ташқари, дилдошларнинг маслаҳат-

дий асоси назарда тутилади. Рағбат уйғотиш учун шўро давридан қолган куруқ гаплар, широбозлик ҳеч қандай натижа бермайди. Рағбат — моддий манфаатдорликка асосланади. Моддий манфаатдорлик бор жойда нафақат микродорий ўзариш, балки сифат ўзариши рўй беради. Мисол учун Наврўз байрамида хўжалик аъзоларини меҳмон қилиш учун бешта қозонда палов дамлади. Беш қозон, беш ўчоқ, беш ошпаз... Хўжалик ҳисобидан дамланган паловни одамлар тановул қилиб, меҳмондорчилик учун «раҳмат» айтиб кетиши турган гап. Аммо улар Наврўз байрамида егани паловнинг мазасини узоқ пайтгача эслаб юришса, демак, раҳбар доимо гаҳмўрлик қилаётганини унутмайди. Шунинг учун, яъни паловнинг мазаси одамларнинг оғзида қолиши учун ошпазлар ўртасида мусобақа эълон қилинади: «Кимнинг палови ширин бўлса муқофот олади! Биринчи ўрин учун — 2000 сўм! Иккинчи ўрин учун — 1500 сўм! Учинчи ўрин учун — 1000 сўм!». Ҳолис хўрандалардан махсус ҳайъат тузилади. Ҳайъат ўз қарорини эълон қилиб, меҳмонларнинг фикр-мулоҳазалари сўралади. Жиддий эътироз бўлмаса, қарорга мувофиқ ошпазларга муқофотлар тарқатила-

## МЕҲНАТ, ДАРОМАД, ФАРОВОН ТУРМУШ

**МАМЛАКАТДА амалга оширилган иқтисодий ислохотлардан мақсад нима?**

Ишлаб чиқаришни бозор муносабатлари асосида тубдан қайта қуриб, республика иқтисодиётини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш ва жамиятда ялпи фаровонлиқни таъминлашдир. Бунга эса ҳар бир шахс ва ҳар қайси оиланинг фаровонлигини таъминлаш орқали эришилади.

А. Навоий номидаги халқ корпорацияси раҳбарияти ана шу тамойилларга амал қилиб, хўжалик иқтисодиётини юксалтириб, ҳар бир пудратчи ои-

ланинг йил сайин мўмай даромад эгаси бўлишини таъминламоқда. Агар бугунги кунда республикада миллионер хўжалик иккита бўлса, бири ушбу корпорациядир. Банкдаги ҳисоб рақамидеда йил ўн икки ой 100 миллион сўм атрафида пули узилмай туради.

Шиликорларнинг даромадини айтмайсизми! Айрим илгор бригадаларда оддий шиликорларнинг йиллик даромадларини ойларга тақсимласангиз, камида 30 минг сўмданга тўғри келади. Кўп хўжаликларда иш ҳақини вақтида бериш мураккаб муаммо бўлиб турган бир пайтда, бу ерда ҳамма меҳнат ҳақини қанда қилмай оляпти.



лари раҳбарнинг фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Қишлоқлардаги иқтисодий жиҳатдан

## ПУДРАТЧИ ОИЛА — МУСТАКИЛ ЖАМОА

**РЕСПУБЛИКАДА иқтисодий соҳасини эркинлаштириш сибсати изчил амалга оширилмоқда. Бундан мақсад, аввало, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини мустаҳкамлашдир.**

Корпорацияда дала ишлари оила пудрати усулига ўтказилганлиги туфайли деҳқонларнинг эркин иш тутишлари, мустақил ҳаракат қилишлари учун замин яратилди. Хўжалик бошқаруви ҳам ички инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни ҳар бир бугун раҳбари орқали эркин бошқариш имкониятига эга бўлди.

Эндилкида хўжаликда ҳеч қандай муаммо йўқ. Техника воситалари, уруғлик, ўғит бадастир. У йўқ, бу йўқ, деган гаплар хўжалик раҳбарлари учун бегона. Ҳар бир пудратчи оила, тўғриворига бригада — ўзига хос мустақил жамоа. Хўжалик бошқаруви билан фақат шартнома асосида муомала қилиб, мўл ва сифатли шоли етиштиришига аралашмай, фақат техника, уруғлик, ўғит, сув таъминоти билан шуғулланади, корпорациянинг истиқболли ҳақида қайғурмайди.

муҳтож оилаларга оқсоқолларнинг тавсияси бўйича хўжалик ҳисобидан қумак берилди. Айрим муаммолар ўртада ҳал этилди. Сўнг кексаларнинг дуои фотиҳасини олган раҳбар куч-ғайрат билан ишга киришди. Раҳбар билан ишчи-хизматчилар ўртасида руҳий яқинлик, ишонч пайдо бўлса, ҳар қандай қийинчиликни ҳамжихатликда енгиб ўтиш мумкин. Ишонч — инсоннинг дилида бўлади. Дилида ишонч мустаҳкам инсон мушкулот қаршида ожиз қолмайди.

Ҳаётимизда бозор иқтисодиёти қарор топаёттир. Бозор иқтисодиёти биринчи гада моддий манфаатдорликка асосланади. Лекин бу ҳамма нарса пул билан, фойда-зарар билан ўлчанади, деган маънони англатмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, дунёда пул ёки фойда-зарар билан ўлчанмайдиган улуг исломий эътиқодимиз, миллий анъаналаримиз бор. Маънавият, собит эътиқод ҳар қандай иқтисодий формуладан устун туради. Шу боис бевосита моддий манфаатдорлик тўғрисида гап кетган пайтда ҳаётимизнинг маънавий асоси эмас, балки иқтисоди-


Фатҳиддин МУХИДДИНОВ, Абдусамал ЙҮЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари. Суратларга: корпорация ҳаётидан лавҳалар.

шоли экилса, бебаҳо сааноат хомашеси бўлмиш пахтамыз сувсиз қолиши мумкин. Бундан ташқари, ҳамма нарса талаб ва эҳтиёжга муносиб бўлмоғи лозим.

Табиики, паловхўр ўзбекларнинг кўпчилиги шиликорлар меҳнатини юзаки билади. Илк баҳор пайти ялангоёқ ҳолда сув кечиби, лойқалатиб юрган, лойқага уруғ сепатган деҳқонларни кўрган бўлишимиз мумкин. «Шиликорлар ишлаяпти, отасига раҳмат», деймизу унинг машаққатини тасаввур қилмаймиз. Уруғ сепилди, поллар сувга тўлдириб қўйилади. Майса қийғос униб чиқади. Ўғит берилди. Бегона ўтларга қарши гербицид сочилади. Уватлардаги курмаклар ўриб олинади. Сўнг сувнинг қулқонлари ёпилади. Шоли пишади. «Кейс» комбайнлари ёрдамида ўрим бошланади. Шилиқорнинг бир қисми чорва учун йиғиштириб олинади. Ортиқчаси пайкалининг ўзида ёқиб юборилади — келаси йил ҳосили учун ўғит бўлади. Хирмонга уйилган ҳосил қуритилиб, давлатга сотилади ва жарақ-жарақ пул санаб олинади...

Юзаки қаралса шоли етиштиришнинг ҳам бошқа соҳалардан фарқи, қийинчилиги йўқ. Бирор нарсага эришиш учун ҳамма соҳада ҳам жонни ачитиб ишлаш керак. Ишлаган одам хор бўлмайди, зор бўлмайди. Лекин юқорида санаб ўтилган жараёнга қўра кузга бориб мўл ҳосил олиш шунчалик осонми? Меҳнатга яраша иқтисодий самарадорликка эришиш учун фақат тер тўкиб ишлашининг ўзи қифоя қиладими?

Тошкент вилоятида шиличиликка иختисослашган хўжаликлар кўп. Аммо уларнинг ҳаммасида бир хил кўрсаткичлар-



## ШОЛИЧИЛИК ИШ ҲАЗИЛАКАМ ЭМАС

УШБУ саволга жавоб излар эканмиз, асли Чиноздан бўлган таниқли шоиримиз Абдулла Шейрнинг яқинда айтган гаплари беҳиётёр ёдга тушди. У киши Дўрмондаги боғида учтўрт йилдан буён деҳқончилик қилляпти. Олти сотих ерга картошка, сабзи, пивёз, помидор, бодринг экадилар. Эрта баҳорда пайкалга кирганча, кеч кузда бор ҳосилни саранжомлаб олгунча тиним билмайдилар. Бир куну у кишидан ҳол-аҳвол сўрадик. Ижодий ишлари билан қулқончилик ва матбуотда чоп этилган гўзал туркум шеърлари билан чин қўнгилдан табриқладик. Шундан Абдулла ака ўринларидан туриб, белларини хийла пайтгача уқладиларда:

— Э-э, оғайнилар, биз индамайгина шеърларимизни ёзиб юраверсак бўлади экан, — дедилар. — Деҳқончилик ҳазилакам иш эмас экан! Кузга келиб, одам кўтарам бўлиб қолади... Бундан кейин бозорга кирсам, Худо ҳаққи, деҳқон билан нарх-наво талашиб, асло савдолашмайман! Айтган пулини бериб, оладиган нарсамни олинб кетаман вераман! Узим меҳнат қилмай юрган пайтларимда бекорга деҳқонларнинг бошини қотирар эканман...

Уйлаймизки, шиликорлар меҳнати билан яқиндан танишган кўпчилик харидорлар, албатта, шоирнинг фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлайдилар.

Шолини бегона ўтлардан тозалаш учун гербицид сепилди. Бу дори уватларда гуриқраб ётган қалин курмакларни қуритишга ожизлик қилади. Шунинг учун курмак ва бошқа бегона ўтлар вақти-вақти билан ўриб олинishi керак. Токи, говлад кетмасин. Қизик, нима учун уватдаги утлар ўриб турилиши керак? Ахир, уватда шоли ўсмайди, демак, ут ўрилмаса ҳам бўлади-ку?! Шиличилик илмининг яхши билмайдиган, тажрибасиз деҳқон худди шундай деб ўйлайди. Лекин Озод Акбаров сингари «шиличилик профессори» бў-

Деҳқоннинг асосий ташвиши ҳамал ойдан бошланади. Яъни, ҳамал — март ойида деҳқон далага чиқади. Яқоб, арик-зоғурларни тозалаш ва бошқа ишларда деҳқонлар оммавий қатнашмайди. Ҳар бир пудрат-бригада ҳисобидан бир-икки вакил иштирок этса қифоя. Бошқалар март ойида дам олади. Ҳар йили хўжалик бўйича эллиқ-олтмиш кунга сабаба уюшмаси томонидан ажратилган бепул йўланма билан санаторийларда даволаниб қайтади. Чунки деҳқонлар янги йилги мавсумда самарали меҳнат қилиши учун қониқиб дам олиши, соғлом бўлиши керак. Бунга уларнинг қонуний ҳаққи бор.

Хўжалик ва пудрат-бригада раҳбарлари-чи? Албатта, улар ҳам инсон, улар ҳам инсондек яшаши лозим. Бирок, улар ўзларидан кўра кўпроқ деҳқонларни, тирикчиликнинг асосий омил бўлмиш — шиликорларнинг эртанги кунини ўйлаши шарт. Узоқни қўзлайдиган раҳбар ҳар доим ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб туради. У жавобгарлик ҳиссини асло унутмайди. Шу маънода корпорация раиси Турсунхўжа Искандаровнинг фаолияти деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган, дейиш мумкин. Деҳқон уйда ҳам, уйқусида ҳам дала, даладаги шилини ўйласа, хўжалик раҳбари деҳқонни, деҳқоннинг рўзғори бут бўлишини ўйлайди. Ташвишига ҳам, қувончига ҳам бирдек шерик бўлади. Бевосита деҳқон манфаати учун елиб-юғурдиган, чарчамай хизмат қилдиган раҳбар фаолиятидан бир шингил.

Муборак Рамазон ойида корпорация раиси шахсан бош-қош бўлиб, ҳар бир қишлоқда қўй суйиб, инфторлик уюштирди. Рўздор аҳолининг нуфузли вакиллари билан улуг қулқонларда бақамти бўлди. Маълумки, мусулмончиликнинг тўрт

либ кетган деҳқонлар бошқача ўйлайдилар.

— Мана, уватга яқин жойда ўсан шилининг посяси йўғон, бошоғи тўқ, — дея хикоя қилади у. — Полнинг ўрталаридаги шоли посяси шилининг пишиш даврини кечиктириб юборади. Сув иссиқ-совуқлигининг ҳосилдорликка бевосита таъсири борлигини фақат суяғи далада қотган деҳқон биллади.

## ТҮРТ КИШИ ЎРНИДА БИР КИШИ

**КОРПОРАЦИЯ ҳудудида темир-бетон буюмлари тайёрлайдиган учта цех ишлаб турибди. Шлакблок тайёрлайдиган, ёғоч-тахтани қайта ишлаб, эшик ва дераза ромлари ясайдиган корхоналар ишлаб бошлаганига анча бўлди. Хўжалик қишлоқларида истиқомат қилувчи 6 мингдан зиёд аҳоли буюртмаларини ҳамда корпорациянинг эҳтиёжларини бажарадиган иккита қурилиш бригадаси қизгин фаолият юритмоқда.**

Булардан мақсад бевосита шиличиликда ишлаётганларнинг аксарият қисминини бошқа хизмат соҳасига жалб этиб, аҳолининг оғирини енгил қилиш, ҳаммани иш билан таъминлашдир. Бундан 5-6 йил илгари шоли, бугдой ва озуқа экинлари экиладиган 2500 гектар ерда 1200 киши ишлаган бўлса, энди 340 киши ҳаммасини бемалол эпляпти.

Хўжаликда пенсионерларни, меҳнат фахрийларини, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш яхши анъанага айланган. Чунки, 400 дан зиёд пенсионерга ҳар йили 100 килограммдан бепул шоли берилади. Уқитиучи ва шифокорларга таннарх қийматида яъни арзон баҳода сотилади. Байрамларда эса, муҳтожларнинг ҳаммаси йўқланиб, моддий ёрдам курсатилади.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

ҲАЁТГА ТАШНАЛИК

Вилоят ногиронлар жамияти бошқарувининг раиси Гуландом ТУРАЕВА билан суҳбат

— Гуландом опа, ногиронлар жамияти қачон тузилган?
— Юртбошимизнинг ногиронларнинг яхшиликларига берётган катта эътибори натижасида Республика ногиронлар жамияти, унинг вилоят, шаҳар, туманларида шу жамият тизимлари вужудга келди. Вилоятимиз ногиронлар жамияти шу йилнинг март ойида вилоят ҳокими Умат Мирзақулловнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ўз фаолиятини бошлади.

ЮРАКЛАРИДА ШИЖОАТ БОР

Ногирон сўзини эшитган ҳар бир кишининг юраги, албатта, бир сесканиши табиий.

1986 йили Чернобыл атом электр станциясида руй берган фалокат ҳар бир меҳри дарё кишини жабрланганларга ердан қилини чўзишга ундаган эди. Бу фалокат оқибатларини бартафатиш учун Ўзбекистондан ҳам бир қатор инжиглар оғланган. Улар олдларига қўйилган вазифаларини адо этидилар. Ордан салкам 12 йил ўтди. Чернобыл аварияси оқибатларини бартафатишда иштирок этганларнинг аста-секин бебаҳо саломатликлари ёмонлашиб, уларнинг ақсарият қисми турли гуруҳ ногиронларга айландилар. Суврати бору сийрати кетган бу «чернобылчилар» ижтимоий, табиий ва бошқа муаммоларини ҳал этишда, уларни жамиятимизга қайтариш ва қўлларидан келганда меҳнатга чорлаш мақсадида Тошкент вилояти «Чернобыл ногиронлари» хайрия жамғармаси ташкил этилди.

ЮРАКЛАРИДА ШИЖОАТ БОР

Ногирон сўзини эшитган ҳар бир кишининг юраги, албатта, бир сесканиши табиий.

1986 йили Чернобыл атом электр станциясида руй берган фалокат ҳар бир меҳри дарё кишини жабрланганларга ердан қилини чўзишга ундаган эди. Бу фалокат оқибатларини бартафатиш учун Ўзбекистондан ҳам бир қатор инжиглар оғланган. Улар олдларига қўйилган вазифаларини адо этидилар. Ордан салкам 12 йил ўтди. Чернобыл аварияси оқибатларини бартафатишда иштирок этганларнинг аста-секин бебаҳо саломатликлари ёмонлашиб, уларнинг ақсарият қисми турли гуруҳ ногиронларга айландилар. Суврати бору сийрати кетган бу «чернобылчилар» ижтимоий, табиий ва бошқа муаммоларини ҳал этишда, уларни жамиятимизга қайтариш ва қўлларидан келганда меҳнатга чорлаш мақсадида Тошкент вилояти «Чернобыл ногиронлари» хайрия жамғармаси ташкил этилди.

Ибратнома

КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ҚАТРАЛАР

● Миллион-миллион чумоллар хурковчи кийикдек оёқларини бир ерга гуж қилсалар ҳам, динозавр изини ҳосил қилолмайдди.
● Фазо кенгликларини назорат қилувчи ускуналарнинг энг сезгир миялари ҳам Лайлатулқадр кечаси ер томон учиб келаятган фаришталарни пайқай олмаганидек, эркаклар аёлларнинг кўнгили дафтариини Юпитердек ўқийолмадилар ҳам.
● Ядро асрида «менга таянч нуқтасини топиб берганларда эди, ер шарини тўнтариб юборардим» тарзидаги Архимедча фикрлаш қулгили ва беҳушовдир. Чунки, ядро асри одамлари таянч нуқтасиз ҳам Ерни тўнтариб юборишга қодирдилар. Ядро, нейтрон ва водород бомбалари пайдо бўлганча, Ер — инсоният цивилизациясининг таянч нуқтасига айланди-қолди.
● Ҳақ ва Ақолат — қонунчиликнинг бош мезони бўлмаган давлат карвонсарой аҳли бошқарувидаги давлатдир.
● Оилада эр ўз хотинини «бойвучам», хотин эри «бойим» деб қақирса, бундан жамият «бой касали» бўлиб қолмайди.
● Заминда коммунизм қуриш гоёси — дўзахдаги иссиқлик билан ишловчи электр станцияларини ерда қуриш фикри билан баробар экан...
● Илмизнинг ҳаёт йўлидаги қадамлари оғир юкни умрбод елкасига ортиб қўйилгандек поймапой бўлади.
● Инсон жисми бир харитадир. Бу хаританинг кутблари иймон-эътиқод, меҳр-оқибат, виждон, диённат деб аталади. Бу кутбларга етганлар бор, етмаганлар бор.
● Хизр назар қилган киши кайфиятга қараб ўз этиқодини ўзгартирмаганидек, эл ҳам дарё ўзанига қараб Ватанини ўзгартиролмайди.
● Манқуртлар тушунчасида «ўзлики топиш» деган сўз йўқ.
● Бирон одамни яқиндан билмоқ учун у билан туз-намак бўлмақ кифофдир. Аммо, Оллоҳни танимоқ учун у билан бирга туз тотмоқликнинг имкони йўқ. Лекин Оллоҳ инсоннинг миясига «туз» — тафаккур солиб қўйган.
● Ҳаётда бир дақиқа ҳам одамийлик анъанасига амал қилмай яшаб ўтган одамнинг хотирасини ҳам яхши сўз билан эслаш — мусулмонлик фарзидир.
● Инсоният ўз истиқболини нури келажакда қўрмоқликни истаса, халқларнинг бир-бирларига эш бўлиши камлик қилади.
● Дейдиларки, инсоннинг ўнг елкасида яхши амалларни ёзиб борувчи зугулик фариштаси, чап елкасида ёмон амалларни ёзиб борадиган ёвузлик фариштаси ўтирармиш. Истардимки, оламда инсон ёмонликни тарқ этса, ёмон амалларни ёзиб борувчи қалам синса...
● Ҳаётлигинда шундоқ китобларни ўқимоклик ва ёзмоклик керакки, ўлганидан сўнг бу китобнинг дўзах тандирида ўт бўлиб ёниб, сени бадном қилмасин.
Қудратилла ОҚБЕРДИЕВ.

Болалик боғи

КУЗИМ ЯПРОҚЛАР

- Ҳар битта фаслни
Кузатиш одатим,
Юракдан шеърин гул
Узатиш одатим.
Атрофга боқаман
Ишонмай кўзимга,
Асло кўз төгмасин
Олтин ранг кузимга,
Мамнувор қарайман
Ўлкамининг ҳуснига,
Гул палак ёпганми
Далалар устига.
Ҳар онда хирмонлар
Юксалган ҳосилдан,
Йўлларда қарвонлар
Ҳарсиллар ҳозирдан.
Кўш ҳам пастроққа
Тушганга ўхшайди,
Дарахлар учтади
Мезонлар тўхтади.
Ҳарорат мўтадил,
Чивинсиз ёдир куз.
Тўкинлик бобида
Жудаям содир куз.
Ковунлар, тарвузлар,
Узилган полизлар,
Мўл ҳосил қўшиги
Таралар олисдан.
Кутгандай тўкинди
Минг турфо мевалар,
Тайёрлик кўр дея
Ёмғир ҳам шивалар.
Қанчалик ёқимли
Оқшомлар салқини
Чорлайди оромгоҳ
Юртимнинг халқини.
Назарим соламан
Қор кўнган тоғларга
Шукрона айтаман
Бу сеҳрий чоғларга.



Зар чолонга гуллар солсанг мулойим,
Кўлларинг дард кўрмасин ҳеч,
Ширин қизсан, ўзинг айт-чи,
Гулойим, —
Ўнг қўлингга қачон узук солойин?!
Даврон АХМАД олган сурат-лавҳа.

Насрий масал

— Янги амалга минганинг муборак бўлсин, Бўриов. Азимаса-да шу даққан Хурони сенга тортиқ қиламан. Аммо, — деди Тулки салмоқлиб, — сени Бўри дейишди. Кўл остидагилар билан келишиб ишлаб кетаолармикин? Ахир «Бўрининг есада оғзи қон, емаса-да оғзи қон»-а?!

«ДОНОЛИК» САБОҚЛАРИ

Учинчи сабоқ шулки. Қашқирво, Шерво, Йулбарсов акаларинг олдида тез-тез бориб тур. Қурқ эмас, албатта! Қўқорларни улардан аяма! Билгинки, сендан-да бўрироқ Бўрилар ҳам бор, кўзларини сенга тикиб туришибди. Шу ўр сабоқни ўқиб олсанг, баас.
Бўриови бу сабоқларга қандай амал қилди — билмайми. Лекин унинг оғзи-бурни қонаб юрганини кўрганлар бор...
Мирфозил МИРЗААХМЕДОВ.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ФИНАЛДА

БИРЛАШГАН Араб Амирликларидан хушхабар келди. Мамлакатимиз терма жамоаси футболчилари Ал-Айн шаҳрининг Фахрон Ибн Муҳаммад номидаги ўйингоҳида бўлиб ўтган саралаш турниридаги тўртта учрашувнинг ҳаммасида галабга эришиб, келгуси йили бўладиган XII Осиё чемпионатининг финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.
ГАРЧИ, терма жамоамиз саралаш турнирининг бошида Бангладеш ҳамда Шри Ланка футболчиларини осонлик билан бир хил (6:0) йирик ҳисобда мағлубитга учратган бўлсалар-да, Осиё чемпионатининг финалида қатнашишга ягона йўлнамани қўлга киритиш жамоамиз учун энгил кечмаслиги аён эди. Чунки, халқаро учрашувларда анчагина тахриб ортирган Хиндистон ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаларини енгишнинг ўзи бўлмасди. Мутхассис ва мухлисларнинг ушбу фикрлари Хиндистон жамоаси билан бўлган ўйинда исботланди.
Футболчиларимиз биринчи бўлиб ҳисобини очган бўлсалар-да, рақиблар тезда иккита тўп киритиб, олдинга чиқиб олдилар. Шундан сўнг ўйинни бой бериб қўймаслик учун катта куч сарфлашга тўғри келди (3:2). Бу аса жадалга кўра ўртада деврли дам олмаб, тўрда энг кучли ҳисобланган майдон эгаларига қарши ўйин олдидан жамоамизни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин эди.
Ҳайратлиқ, турнир мезонлари билан бўлган килувчи учрашувда футболчиларимизга омад қилиб бодди. Биринчида «Яхши дарвозабон — ярим жамоа» деганларидек, Павел Бугало тўқсон дақиқа давомида ҳам маҳорат, ҳам жасорат кўрсатиб,

ГУВОҲНОМАНГИЗ... СОХТАМИ?

Кейинги пайтларда шаҳарнинг исталган бурчига бориш учун давлат томонидан қўйилган йўналиш бўйича қатнайдиган автобуслар кўпайиб қолди. Бунинг учун «Тошхаварийловчи» уюмасига ҳар қанча раҳмат айтиш керак. Чунки, йўловчиларга бирқанча қулайликлар яратиб қўйилган.
Айниқса, ойлик йўл чипталари ҳозирги кунда йўловчилар учун жуда қўл келмоқда. Бундай чипталар ўқувчилар, талабалар, аҳоли, нафақахўрлар учун алоҳида чипта қилинган ҳам мақсадга мувофиқ. Уларнинг нархлари ўзига қараб. Аммо, чипталар қийматидаги бирнеча сўмлик фарқ айримларга ёқмайди. Шунинг учун, баъзи йўловчилар сохта гувоҳномалар ишлаб, талабаларнинг ойлик чиптасидан фойдаланадилар.
«Тошхаварийловчи» уюмаси бу хил риёкорликлар олдин оқиб, имтиёзлардан норойн фойдаланишга чек қўйиш мақсадида шаҳар шохбөкатида бир неча текширишлар ўтказди. Аммо, мазкур тадбирлардан сиздан ажралади ё ойлик чиптадан. Топган гаплари «жарима тўлаб оласан». Энг ачинарлиси, талаба чипта муҳрини ўз вақтида бостирмаганлиги учун жарима тўлаб тақдирда ҳам, текширувчилар олган нарсасини қайтариб бермайдилар, «ёқотиб» қўйишади.
Шохбөкатида ўтирар экансиз, текширувчиларнинг кетида ялғиниб-ёлғиниб юрган талабаларни кўриб раҳминг келадди. Чиндан талаба эканлигини тасдиқловчи бошқа қўлларни кўрсатишда ҳам, хужжатларни кўрсатишда ҳам, ялғиниб-ёлғиниб юрган талабаларни кўриб раҳминг келадди. Ҳақиқатда ушбу «саъй-ҳаракатлар» қурбонига талабаларнинг, зеро, сохта талабалик гувоҳномасидан фойдаланиб юрган кимсалар бу ҳужжатнинг қалбакилигини сездирмайдилар. Ҳақиқий талабалар эса, ўз соддаликни ёки паршонхотирлигини тўғри текширувчилардан балога қоллади: ё талабалик гувоҳнома-

ЁШЛАРИНИНГ СЕВИМИЙ ТЕАТРИ

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошбинлар театри ташкил топганига етмиш йил тўлди.
Ўзбек театр мактаби шаклланиши ва ривож топишида ушбу жамоанинг ҳиссаси катта. Зеро, мамлакатимизнинг кўпгина танлики актёрлари ўз фаолиятини ушбу театрдан бошлаган. Мустақиллик йилларида жамоада янгича фикрлаш ва эркинлик гоялари тасвирини янги мавзуларга қўл уриштиришда ҳаётини бадий-фалсафий умумлашмалар орқали тасвирлаб, чукур ва ҳар томонлама фикр юритишга ундоғи янги-янги асарлар юзга келди. Театр жамоаси болалар ва ёшлар драматургиясини ривожлантиришда Пулат Мўмин, Анвар Обиджон, Тоҳир Малик, Шароф Бошбеков, Маматқул Ҳазратқул каби ўзбек адаблари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Айни пайтда Гольд, Шекспир, Мольер, Сервантес каби жапон адабияти номаждалари асарлари ҳам болажонларга тақдим этилмоқда.
Маданият ишлари вазириги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш биришмаси, театр ижодкорлари уюмаси билан бирга театр тўғрисида баҳаслар кеча ўтказди. Унда сўзга чиққанлар театр соҳасида намоён этилаётган томошваларнинг болалар ва ўсмирлар тарбиясига тасвири бекис ёқанини, айни пайтда жамоа ўзбек миллий театри равиқига муносиб ҳисса қўшаётганини таъкиқлади. (УЗА).

Тақдимот «ЧИМИЛДИК» ЭКРАНАДА

Мирзо Улуғбек туманидаги «Афзал-Пурғаб» хуусий корхонаси ТУГАТЛАДИ.
Давлолат эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида 185-45-76 рақамли телефон орқали қабул қилинади.
«Йўлқуричи» хусусдорлик жамияти раҳбарлиги ва жамоаси «Тошхаварийловчи» акциядорлик биришмаси бошқаруви раиси Баҳром Ҳабибуллоевнинг Уралова падари бузуқворлиги ҲАБИБУЛЛОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.
«Тошкентавтой» давлат акционерлик биришмаси меҳнат жамоаси биришмаси бошқаруви раиси Баҳром Ҳабибуллоевнинг Уралова падари бузуқворлиги ҲАБИБУЛЛОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.
Шоира АБДУШОХИДОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Муассаси: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Матбуотчилик кўчаси, 32.
Матбуотчилик кўчаси, 32.
Матбуотчилик кўчаси, 32.
Матбуотчилик кўчаси, 32.